

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИК УНИВЕРСИТЕТИ**

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

**“Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар
методикаси” кафедраси**

АБДУРАЗЗОҚОВ ЎКТАМНИНГ

**5141600- БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ -ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

“одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари”

МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: п.ф.н.доц. Д.А. АБДУРАҲИМОВА

ТОШКЕНТ – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг назарий асослари.

1.1.Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантириш педагогик муаммо сифатида.

1.2. Миллий ўзликни англаш тушунчасини шарқ мутафаккирлари ижодида ёритилиши.

Боб бўйича хулоса.

II Боб. Бошланғич синфларнинг Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантириш технологияси.

2.1.Одобнома дарсларининг мазмуни ва бошланғич синф ўқучиларида миллий ўзликни англашнинг шакллантиришдаги ўрни.

2.1. Миллий ўзликни англашни “Одобнома” дарсларида ўрганишнинг назарий ва методик асослари.

2.2. Бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ўзликни англашни шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли.

II боб бўйича хулоса.

III Боб. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг технологияларининг самарадорлиги.

3.1. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси.

3.2. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантиришга хизмат қиладиган технологияларнинг самарадорлик даражаси.

Умумий хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги - Таълим самарадорплиги жамиятимиз тараққиётида содир бўлаётган педагогик таълимнинг тузилишига ҳамда унинг мазмунига таъсир этадиган ўзгаришлар билан белигаланadi. Жамият тараққиёти асосида таълим мазмуни такомиллаштирилмоқда, жумладан мактаб таълимини табақалаштириш кучайди, таълим муассасаларининг янги турлари пайдо бўлди, мактабда янги тажриба ишлари кенг тус олди. Шу сабабали, таълимнинг кенг доирадаги турлари пайдо бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат миқёсида таълим- тарбия, илм- фан, касб- ҳунар тизимларини тубдан, босқичма- босқич ислоҳ қилиш зарурияти сезилиб, пайсалга солиб бўлмайдиган, бу ишни изчил ва тизимли бажариша киришилгани ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Таълим- тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда мен жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги, “портлаш эффекти”га яъни таълим моделининг кучли самарасига эришамиз...”¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз” ҳамда Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” мавзуларидаги маърузаларининг мазмун- моҳиятини амалиётга жорий этиш жамиятимизнинг долзар масалаларига айланиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. “қсак маънавият- енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008- 63б.

Президентимиз ўз маърузасида “мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устивор мақсадимиз” деган² фикр мулоҳазаларидан жамиятимизда баркамол авлодни тарбиялаш бошланғич таълимнинг асосий вазифаларидан бири эканлигида кўринади. Айниқса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув жараёнидаги туб мақсадлари кучли фуқаролик жамиятининг барпо этилишига хизмат қилишдан иборат эканлиги бошланғич таълимда бериладиган Шарқона тарбия мазмунида хис этилиши зарурияти мавжуддир.

Жамият ижтимоий- иқтисодий ва илмий- техникавий тараққиётига янгича қарайдиган мустақил фикрловчи, ишбилармон, буюк келажак пойдеворини қурувчи ёшларни тарбиялаш республикаимиз педагоглари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Таълим ислоҳоти жараёнида бу улкан вазифани тўла амалга оширадиган, замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларидан маохирона фойдалана оладиган педагог кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди.

Битирув ишининг ишланганлик даражаси - битирув- малакавий ишини ёзиш жараёнида мавзуга тааллуқли бўлган магистрлик диссертациялари билан яқиндан танишдик ва уларни қиёсий таҳлил қилиб чиқдик. Биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган муаммо юзасидан битирув- малакавий иш ва магистрлик диссертациялари мутлоқо ёзилмаганлигини, биз илгари сураётган “Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари” мавзуси биринчи марта битирув-малакавий иш сифатида талқин этилишининг гувоҳи бўлдик.

Битирув- малакавий ишига яқин мавзуда яъни ўқувчиларни одоб- ахлоқ тарбиясига тааллуқли бўлган мавзуларда илмий изланишда бўлган Р.Мавлонова, Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, О.Хасанбоева, Қ.Абдуллаева, У.Махкамов, М.Хайдаров, Д.Абдурахимова, Х.Санақулов, Ш.Шодмонова каби бир қатор педагог олимларнинг болалар тарбияси

² Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устивор мақсадимиз” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.Адолат газетаси.

тўғрисида ёзган илмий мақолалари, ўқув ва методик қўлланмалари билан яқиндан танишдик. Бу педагог олимларнинг илмий-тадқиқотларининг деярли барчаси ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришнинг у ёки бу масалаларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этишининг гувоҳи бўлдик.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга суянган ҳолда биз битирув-малакавий ишимизни **“Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари”** муаммосига қаратдик.

Битирув-малакавий ишининг мақсади – одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг технологиясини ишлаб чиқиш.

Битирув-малакавий ишининг объекти - одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантириш жараёни..

Битирув-малакавий ишининг предмети – одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантириш жараёнига илмий - педагогик ёндашув.

Битирув-малакавий ишининг вазифалари:

1.Муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида бошланғич синф ўқувчиларига **одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантириш** - долзарб педагогик муаммо эканлигини аниқлаш.

2.Мақтабларнинг бошланғич синфларининг **одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантиришга** хизмат қилувчи педагогик фаолият мазмуни, шакллари ва методларини ишлаб чиқиш ва уларни тажриба-синовдан ўтказиш.

3.Бошланғич синф ўқувчиларида **миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг шакл ва усуллари мавзуси** бўйича одобнома дарсларининг имкониятларини аниқлаш.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини одобнома дарсларида **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув- малакавий ишининг илмий тадқиқот методлари – болалар эртаклари, синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш ва болаларда **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** оид назарий- методик адабиётларни таҳлил қилиш, суҳбат, анкета, табиий экспериментал кузатиш, аниқловчи ва шакллантирувчи тажриабалар.

Битирув- малакавий ишининг янгилиги:

1.Бошланғич синф ўқувчиларига одобнома дарсларида **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** йўналтирилган педагогик шарт- шароитларини аниқлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

2.Одобнома дарслари орқали **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** асосланган фаолият мазмуни, шакли, услуби ишлаб чиқилди.

3. Одобнома дарслари орқали **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** асосланган илмий- методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва уларнинг самарадорлик даражаси аниқланди.

Битирув- малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти:
“Педагогика назарияси ва тарбиявий ишлар методикаси” фанлари кичик ёшдаги болаларга **миллий ўзликни англашни шакллантиришга** йўналтирилган назарий ёндашувлар ҳамда илмий- методик тавсиларга эга бўлди.

Битирув- малакавий ишининг тузилиши:

Кириш, 3 боб, 6 фасл, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг назарий асослари.

1.1.Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантириш педагогик муаммо сифатида.

Давлат ва жамият тараққиётини таъминлашда бугунги кунда шаклланаётган ёш авлоднинг билимдонлиги ва тадбиркорлиги муҳим ўрин тутди.

Ёш авлодни билимли, маърифатли шахс мифатида камол топтиришда янги педагогик ва ахборот технологияларининг аҳамияти бекиёсдир.

Ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамоёилларига асосланган бўлиб, ўқувчи шахсига йўналтирилмоғи лозим.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндошиб қуйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этди. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб- кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”.

Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги модели яратилди ва унинг келажакдаги “портлаш эффекти” юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа) билан бир қаторда маданият соҳасига, ижтимоий- гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” да “ўқув- тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” уқтирилади, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланади.

Таълим ислоҳоти кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига ўтиш таълим ташкилотларидан эскирган, бир қолипдаги технологиялардан воз кечишни, ҳамда маҳсулдор – замонавий технологияларга ўтишни талаб этади. Шу боисдан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг иккинчи босқичи сифат босқичи бўлиб, бунда ҳам мақсад узлуксиз таълим жараёнида янги замонавий усуллардан фойдаланиш, талабаларнинг амалий кўникмаларини тубдан яхшилаш ва кенгайтиришга қаратилган. Бу борада педагогик технология фанининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, комил инсонни тарбиялашда ва талабаларда ўқитишнинг янги усулларига жиддий ёндошишга қизиқиш ва масъулиятни юклайди.

Мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган туб бурилишлар ҳар бир таълим муассасасида дидактика соҳасини жонлантиришни талаб этади, янгиликни жорий этиш йўли эса ҳар доим мураккаб ва узоқ. Ишонч билан айтиш мумкинки, педагогик технология бошланғич таълим тизимида дидактик янгликка киришишнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндошиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”.³

Масъулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг 9сесиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни (1997 йил 29 август) рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурни таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилади.

³ Каримов И.А. “қсак маънавият- енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008- 676.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаш билан узвий боғлиқдир.

Ушбу дастур мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнини моҳияти тўлақонли очиб берилгандир. Малакали кадрлар тайёрлар жараёнинг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиш борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим. Чунончи, мазкур жараённинг *биринчи босқичи* (1997-2001йиллар)да “...ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш”,*иккинчи босқич*(2001-2005 йиллар)да “...таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётларни ва илғор педогогик технологиялар билан таъминлаш” ҳамда *учунчи босқич* (2005 ва ундан кейинги йиллар) да “...таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув услубий мажмуалар, илғор педогогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш”каби долзарб вазифалар ижобий ҳал этилмоғи лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган,

Инсонга цивилизациянинг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган эди. Бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қаътий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи миллий ғоя ва миллий мафкура, миллий ўзликни англаш имкониятига эга, фақулотда рўй берувчи вазифаларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи ва миллий ўзликни ўзида шакллантира олган

малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини техналогик ёндошув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган давр ичида бир қатор файласуф, тарихчи, адабиётчи олимлар ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва тарихига оид бир қатор асарлар эълон қилдилар. Улар орасида ўзбек миллатининг Чор Россияси ва собиқ Шўролар ҳукмронлиги шароитида бошидан ўтказган аянчли аҳволи ва мустақиллик шарофати билан ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан ривожланаётганлигига бағишланган асарлар кўпчиликти ташкил қилади. Шунинг билан бирга “миллат”, “миллий менталитет”, “миллий ғоя” , “миллий ўзликни англаш”, “миллий ғурур”, “миллат шаъни”, “миллий ифтихор” ва бошқа бир қатор тушунчаларга илмий таъриф бериш ва уларнинг моҳиятини очиб беришга бағишланган бир қатор асарлар ҳам эълон қилинди. Аммо, “миллий ўзликни англаш” тушунчаси, моҳияти, унинг ботиний ва зоҳирий салоҳиятига бағишланган махсус фундаментал фалсафий асарлар бугунги кунгача яратилганича йўқ.

Бугун миллий ўзликни англашни ривожлантиришни миллатнинг қарамликдан қутилиш учун олиб борилган курашга куч, қувват ва илҳом бағишлаган давригача қараганда ҳам юқори, керак бўлса янги босқичга кўтарган ҳолда ривожлантиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Чунки, миллатимизнинг қарамлик ҳолатида зўравонларнинг олиб борган сиёсатининг натижаларини ҳар бир миллатдошларимиз ҳар қадамда сезар эди ва унга қарши кураш олиб бориш зарурлигини англаб етган эди. Аммо, глобаллашув жараёни ўта мураккаб. Чунки, унинг иқтисодий муаммоларни «ҳал» қилишга ўтказаётган ижобий таъсирига маҳлиё бўлиб, унинг миллатимизнинг миллий-маънавий қашшоқлашувига етаклаётганлигини англамай қолиш хавфи ниҳоятда каттадир. Бу жараённи қандай бўлса, шундайлигича англаш, унинг турли соҳалари ўтказаётган таъсирини тушуниб олиш, миллат истиқболи нималарга боғлиқ эканлигини билиб олиш

учун миллий ўзликни англашни ривожлантиришни янги босқичга кўтариш зарурлиги кучайиб бормоқда.

Миллий ўзликни англаш шундай омилки, уни юксак тараққиёт даражасига кўтариш йўли билангина миллатни ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Чунки, у миллатда манфаат, ифтиҳор, ғурур, шаън, ор-номус эътиқод ва маъсулият каби қадриятларни абадийлаштирувчи юксак даражадаги маънавий қадрият ҳисобланади.

Миллий ўз ўзини англаш реал моддий куч сифатида миллат шаёни кадр-киммати, обрў-эътибори ор номуси паймол этилганда, ёки миллатнинг моддий маънавий манфаатларига зид иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлар юзага келтирилган ҳолатларда намоён бўлади. Шаъни, кадр-киммати, ор номуси, обрў эътибори ва манфаатлари паймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар ягона умумийлик куч бўлиб бирлашадиган ва ўзлигини ҳимоя қиладилар.

Шу тариқа миллий ўз ўзини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи моддий кучга айланади.

1.2. Миллий ўзликни англаш тушунчасини шарқ мутафаккирлари ижодида ёритилиши.

Халқимиз асрлар давомида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт орзусида яшаб келди. Бу ғоя халқимизни эркинлик ва юксалиш паллаларида ҳам, ўз мустақиллигидан жудо бўлган даврларда ҳам тарқ этмади. Бугунги кунда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги асосий мақсади - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу ғоя миллатимизнинг азалий орзу-умидларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифодалайди. Инсон муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради, шахс сифатида шаклланади. Ана шу макон унга Ватан саналади. Дилида Ватан туйғуси шаклланмаган, киндик қони тўкилган заминга меҳр туйғуси жўш урмаган кишини чинакам Инсон деб бўлмайди. Шу билан бирга инсон бахт-саодат учун туғилади. У ана шу бахт-саодатга ўзи туғилиб-ўсаётган Ватанида эришмоқни орзу қилади. Бу унга ўз бахт-саодатини юрт ривожига, унинг озод ва ободлигига билан уйғун кўришни англатади.

«Озод Ватан», «Обод Ватан», «Эркин ва фаровон ҳаёт» тушунчалари шу жиҳатдан ўзига хос маъно ва мазмун касб этади.

Озод Ватан – ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқара олган миллатнинг яшаш макони бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига ва мавқеига эга бўлган мамлакатдир.

Обод Ватан – фуқаролари эркин ва озод яратувчанлик фаолияти билан банд бўлган, тўла ижтимоий-сиёсий хавфсизликда фаровон ҳаёт куриш иштиёқида яшаётган ҳудуддир.

Эркин ва фаровон ҳаёт – одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маънавий неъматларга эркин тарзда, ўзларининг бор қобилиятлари ва имкониятлари эвазига эришишидир.

Мустақиллик миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавиятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг ўзига хос мафкурасига айланган миллий истиқлол ғояси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллатимиз маънавияти сарчашмаларидан, бутун инсоният тўплаган тажриба ва қадриятлардан озиқ олади. Шу маънода ушбу ғоянинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз.

Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз - деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, - миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир.

Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати - барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт.

Том маънода мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор¹. Юртимизда яшаб ижод қилган ислом фалсафаси намоёндалари - имом Бухорий, имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абулқосим Замахшарий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, буюк қомусий олимлар - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, мутафаккир шоирлар - Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, улуғ саркардалар ва давлат арбоблари Амир Темур, Бобур, Абдуллоҳон ижодида ва амалий фаолиятларида эркин, фаровон жамият ғоялари акс этганлиги бежиз эмас. Шу билан бирга Шарқ мутафаккирлари

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 341-342-б.

инсонпарвар жамият куриш ғоясини одил шоҳга боғлайдилар (Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Баҳовиддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Ғаззолий, Бедил ва б.)². Бу каби мутафаккирлар ҳоким ва халқ, шоҳ ва салтанат муносабатларида адолатли иш тутиш, давлатни қонунлар орқали бошқариш, қабул қилинаётган тadbирларнинг халқ томонидан қўлланиши каби ижтимоий муаммоларни кўтарадилар.³ Бу озод Ватан, Халқпарвар тузум идеалларини асослаш эди.

Тасаввуфнинг кўпгина намоёндалари ҳам ўз илмий ва амалий фаолиятларида эркин жамият ғоясини илгари сурганлар. Ҳасан Басрий, Абдулла Ансорий, Абулҳасан Ҳарақоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам Косоний адолат, ҳақиқат куйчилари бўлдилар.

Дарҳақиқат, барча даврлар ва халқлар мутафаккирлари бахт-саодат келтирадиган тузум ҳақида орзу қилиб келганлар. Бу ҳақда кўплаб мутафаккирларимиз қарашлари тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин. Лекин биргина Форобий қарашлари мисолида бахт-саодатга, фаровонликка жамият аҳли қандай эришади деган ғоянинг миллий ғоямизда акс этган жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Форобий фикрига кўра, ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шу маънода, Форобий фикрига кўра,

² Комилов Н. Тасаввуф ёки қомил инсон ахлоқи. Қ.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996; Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси (ўқув қўлланма). -Т., 1995 ва б.

³ Жомий А. Танланган асарлар. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 11-15 бетлар.

хақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган жамият фозил жамиятдир.

Абу Наср Форобий ўзининг «Талхису Наволиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») асарида фозил жамият концепциясини баён қилишни қонунлар ҳақида фикр юритишдан бошлайди. Буюк мутафаккирнинг фикрига кўра, инсоннинг хавфсиз яшаши учун биргина фаровонликнинг ўзи етишмайди. Инсон жасорати эса ташқи урушдаги жасорат эмас, балки одамларнинг ўз иллатлари устидан ғолиб келиб, тинчликни таъминлашларидир¹. Демак, инсонларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатидан фаровон жамият сари интилишнинг илк босқичи келиб чиқади.

Форобийнинг қарашларига кўра, «энг мушкул иш - қонунни жорий қилишдир. қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш эса энг осон ишдир.» Бугунги ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнларида бу каби ўғитларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса унинг қонунга ҳурмат билан қарашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. Буюк аллома шундай деб ёзади: «қонуннинг ўзи ўз ҳолича олийжаноб ва юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда нимаики гапирилса ҳам мўътабар ҳисобланиши лозим... Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтирадилар. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди»².

Демак, Форобий ҳар қандай одамда ҳам таҳсинга лойиқ инсоний қувват ҳам ҳайвоний куч мужассамлигини таъкидлаган ҳолда қонун айнан таҳсинга сазовор инсоний қувватни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарурлигини уқтиради. Шаҳарнинг ҳамма аҳолисига келганда, агар улар таҳсинга сазовор қувват касб этишга кучлари етмаса, йўл кўрсатувчи қонун соҳибларининг адолатларига бўйсунити керак бўлади.

Фозил жамият ҳақидаги тасаввурларни бугунги кунда демократия деб

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993,18-бет.

² Ўша жойда. 21-бет.

номланаётган қадриятлар тизимига кўп жиҳатдан мослигини кўрамыз. Хусусан, демократиянинг асосий мезонларидан бири бўлган қонунларни жорий қилиш муаммоси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг фикрига кўра, чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида мамлакатдаги барча табақалар, авлодларга, вилоятлар аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик, эркинлик ва фаровонлик келтиришини ҳисобга олади. қонун турли-туман феъл-атвор ҳамда ҳислатларга эга бўлган одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур.¹

Маълумки, Форобий фозил ҷамиятнинг асосий хусусияти деб бахт-саодатга интилишни тушунади ва бахт-саодатга интилмайдиган ҷамиятни жоҳил ҷамият деб баҳолайди. Бахт-саодат эса олий даражадаги эзгулик бўлиб, унга соғлиқ, гўзаллик, бойлик каби қадриятлар етаклайди. Жоҳил ва адолатсиз одамлар учун эзгулик йўқ ва улар бахтга эриша олмайдилар. Улар учун ҳатто ҳаёт ҳам бир кулфатдир. Мутафаккир фикрига кўра, саодатга оқиллик ва унга ҳамиша интилиб яшаш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, қонун мустаҳкам руҳ ва оқил идрок тарбиясига йўналтирилгандагина фаровонлик томон етаклайди. Демак, раҳбар халқ, оммани тарбиялашга, унинг руҳи ва идрокини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоғи зарур.

Бугунги кунда биз барпо этаётган ҷамиятнинг олий мақсадларидан бири инсонларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдир. Ҷамиятни бошқаришда одамларни фароғатга келтирадиган бирдамликка етакловчи, интизомни шакллантирувчи қонунларни яратиш айна шунга хизмат қилади. Шунга боғлиқ тарзда айтиб ўтиш жоизки, XX аср бошларида озод юрт қайғусида яшаган Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай деган эди: «Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди. Инсонлар бир дақақа яшолмас эдилар... Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида низомдан чиқармай тартиб ила юритмакга боғлиқдур... Ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида,

¹ Қаранг: ўша жойда, 24-бет.

ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтқарурлар»²

Ўз юртларини озод ва обод кўришни орзу қилган жаид зиёлилар ҳам тарбия масаласига алоҳида эътибор қилганлари бежиз эмас эди. Яна бир бор Авлонийнинг Форобий фикрларига ҳамоҳанг фикрига эътибор берайлик. «ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати – деб таъкидлайди Авлоний, - ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур».

Кўриниб турибдики, Форобий ва Авлоний турли даврда яшаганликларига қарамай, одамларни эркин ва фаровон жамиятга тарбия орқали етаклашга даъват қилганлар.

Форобий ғоясига кўра, фозил жамият фақатгина одамлар жамоаси борлиги учунгина фозил деб аталмайди, балки адолатли қонунларга ва бошқарув қоидаларига риоя қилгани, доно раҳбарга эга бўлишга, одамларнинг таҳсинга лойиқ одатлари ва ахлоқини рўёбга чиқаришга шарт-шароит яратган жамият бўлгани учун ҳам фозилдир.

Мамлакатдаги тузумнинг гўзал ва яхши бўлиши ҳукмдорнинг билимдонлиги ва ўзга тузумлардаги фаровонлик ва бошқа ижобий жиҳатлардан хабардорлик билан боғлиқ деган фикр ҳам Форобийни замонавий демократия назариётчилари қаторига қўйишимизга имкон беради. Бунинг устига, фуқаролик жамияти ҳақидаги ҳозирда кўплаб билдирилаётган фикр-муҳазалар ҳам мутафаккирнинг назаридан четда қолмаган. Форобий мамлакат аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда кучли ҳокимиятга эҳтиёж туғилади деб таъкидлайди. «...ҳокимият ихтиёрий қабул қилинганда кўпроқ маъқул ва ҳар томонлама қулай ҳисобланади... жоҳил одамлар устидан ҳукмронлик ва уларни ҳокимиятга бўйсундириш ҳақиқатан тўғри иш бўлиши билан бирга, эркин ва меҳр-шафқатлиларни бўйсундириш ўта бемаънилиқдир»¹. Дарҳақиқат, комил инсон устидан ҳукмронликка эҳтиёж йўқ. Комилликка интилувчи инсонлар фаолияти фозил жамиятни шакллантирувчи омиллардан биридир.

² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.:Маънавият, 1998, 52-53 бетлар.

¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.:Маънавият, 1998, 33-бет.

Мутафаккир фозиллар шахрининг зидди бўлган шаҳарлар (жамият) ҳақида ҳам фикрлар билдирадики, бу ҳолат ҳозирги замон жамиятининг айрим жиҳатларига танқидий муносабатда бўлишни талаб қилади. Форобийнинг огоҳлантириши шундаки, жоҳил жамият аҳолиси бахт-саодатга интилмайди, бахт-саодат нималигини билмайди ҳам. Чунки, жоҳил одам ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам. Фаровонликка келсак, жоҳил одам (ҳақиқий ободонликни билмасдан) баъзилар назарида бахт-давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, хирсу-шаҳватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлайди. Шу неъматлардан ҳар бири жоҳил одам назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўринади.

Моддий ва маънавий неъматларнинг барчаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт-саодатга эришиш мумкин. Бу неъматларнинг тескарисси – тан касалликлари, камбағалчилик, завқ ва лаззатдан маҳрумлик, ҳурмат ва обрўнинг йўқлиги – бахтсизликдир. Ёлғиз жисми талабларини, хирсини қондириш, ишрат, кайф-сафога интилиш бахт-саодатни билдирмайди. Эҳтирослар тизгинини жиловламай, шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интилишлар ҳам шулар жумласидандир. Форобий шунингдек бир-бирларини мақташни, кўкка кўтариш, бир-бирларининг олдида ёки бегоналар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўринишга сохта уринишларни ҳам жоҳилликнинг кўриниши сифатида баҳолайди.

Фаровонликка интиладиган жамият аъзоларининг ўз ғоялари, ихтиёрий амал қилишга жазм этган қадриятларига собитлигини талаб этади. Форобий фикрига кўра, фозил жамият аҳолисининг назарий қарашлари ва амалий ишларига нисбатан бегона ғоялар аста кириб олиб, уларнинг қарашларини ўзгартириб юбормаслиги керак. Зеро, инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлсаю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлсада, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ноўриндир. Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув

экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади. Инсон аввало бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эритирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади. Форобийнинг ушбу фикрлари бугунги кунда ўз миллий ғоясининг пировард мақсади сифатида фуқаролик жамиятини барпо этишни кўзлаётган жамиятимизнинг мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини англаш мушкул иш эмас.

Хуллас, фаровон жамият ғояси мустақил ва барқарор тараққиёт йўлига кираётган жамиятлар учун икки ҳисса қадрлидир. Шу маънода унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига улкан эътибор берилаётганлиги табиийдир. Президент Ислам Каримов миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда озод ва обод Ватан, демократик жамият қуриш жараёнига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлиги ҳам шундан. Зеро, мамлакатимизда фаровон, илғор жамият барпо этиш - мақсад, амалга оширилаётган ислохотлар - восита бўлиб, жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўз навбатида ислохотлар учун шарт-шароитдир.

Боб юзасидан хулоса

Президент И.А.Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган чақириғининг заминида бой мазмун мужассам. Бунда бугунги ютуқларимиздан фахр туйғуси ҳам, эркин бунёдкорлик фаолиятига чорлов ҳам, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч ҳам ўз ифодасини топган. Лекин бу аввало ёшларимизга, ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат, уларнинг куч ва имкониятларига катта ишончни англатади. Мустақиллик даврида ҳар бир ёшнинг қобилиятлари ва имкониятларини намоён қила олишлари учун тўлиқ имкониятлар яратиш том маънода давлат сиёсатига айланди. Бунда ёшларни жисмонан бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилди. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишдан тортиб болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришгача бўлган барча кенг миқёсдаги ислохотларнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

“Яшаш қаерда яхши бўлса, шу ер мен учун Ватан” деб юрганлар топилади. Бундай қарашда, ҳақиқий Ватанпарварлик туйғусининг мужассам эмаслигини кўрамиз. Чунки, биринчидан, “Яшаш”дан маъно ва мақсад фақат яхши еб-ичиш, роҳат ва фароғатни ўйлаш, ўзи учун “барча қулайликларга” эга бўлган “хузур-халоват”дангина иборат эмас. Фақат шу билан ҳаётнинг маъно-мазмуни, яшашдан мақсад белгиланмайди; Иккинчидан, бундай тоифа одамлар, ҳақиқий Ватан туйғусини англамайдилар, ёки уни англашдан йироқ. Ўзининг шахсий манфаатларини ҳамма ҳам ўйлайди, лекин уни фақат ўз қобуғида “ялонғоч” ҳолда тасаввур этиб, “Ватан” туйғусини идрок этмаслик, охир оқибатда бу одамни туғилган жой, улғайтириб ҳаётга йўлланма берган ота-она, жамоа, эл-юрт, халқ, миллатининг мақсад ва муддаоларидан, орзу-истакларидан, тарихи, қадриятларидан ўзини бегона тутишга олиб келади. Бундай одамда Ватанни англамаслик ва ундан “бегоналик” туйғуси мужассам. Бундай одамда Ватанда яшаб, Ватандан ташқарида ўзини кўриш билан боғлиқ руҳий ҳолат мужассам.

Уни бунга нима ундайди дейиш мумкин? Қандай сабаблар шунга олиб келади? Бунинг сабабини шундай тоифа “одамларнинг ўзлигидан” кидирмасдан, саволга жавоб топиб бўлмайди. Одам ўзлигини қандай англаса, Ватанини ҳам шундай англайди. Ўзлигини англамаган одам Ватанини ҳам англамайди. Уни Ватани, тарихи қизиқтирмайди. У ўзи учун яшашнинг маъносини қаерда бўлмасин яхши яшашда деб билади. У ўзининг халқи, ота-онаси, миллати, мамлакати олдида ҳам фарзандлик, фуқаролик бурчини сезмайди. Унинг мақсади нима қилиб бўлса ҳам “пул топиш”, яхши яшаш”. Шу койда унинг учун “ота-онадан”, эл-халқдан ҳам юқори, Ватанидан ташқари “Ватан” бўлиб кўринади.

Бундай одамларнинг маънавий дунёси жуда “мўрт” ва моддийлик асосига қурилган. Бир томонлама, инсоний моҳиятдан йироқ, Ватанидан бегона “мени”га эгадир. Ҳар бир инсон ўз “мени”га албатта эга бўлиши табиий ҳолат. Лекин унинг “мени” бошқа “инсонлар” “мени” билан, халқи, миллатининг “борлиғи” билан муштарак ҳолда шаклланади. Ҳақиқий Ватанпарвар инсонлар ўзининг “мени”ни Ватанининг тақдиридан, миллати, халқининг маданий қадриятларидан, орзу-истакларидан айри ҳолда тасаввур эта олмайди. “Мен”нинг ўзига хослиги ана шу миллий руҳиятга таянса, унга амал қилиб умуминсоний моҳият касб этсагина киши ўзининг ҳақиқий “мени”га эга бўлади. Албатта ҳар бир инсон учун Ватандан азиз ва мўътабар, муқаддас макон йўқ. Ватан дегани киндик қони тўкилган шунчаки жой эмас, у ундан кўра азиз бўлган халқининг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳамдир. Шунинг учун ҳам “Ватан” муқаддас. Ватан учун ҳар бир инсон ўзлигини бахшида этса, Ватан ободлиги, озодлиги йўлида, ўзининг фарзандлик бурчини адо этган бўлади. “Ватан учун чала иш қилиб бўлмайди”. Ватан учун чала иш қилиш, бу энг катта гуноҳдир. Ёки, унинг учун ҳеч нарса қилмасликдир.

Шунинг учун ҳам, Ватанни англамаслик, унинг учун ўзлигини бағишламаслик маърифатдан, маънавиятдан йироқ, ўзлигини англамаган одамнинг ишидир. Бундай одамлар “бахт”, “саодатни” фақат моддий

нарсаларда кўрадилар. Моддий бойликка эга бўлишни бахт деб тасаввур этадилар. Лекин, “Бойлик”нинг фақат моддий томонини кўришнинг ўзи етарли эмас. Ҳақиқий бахтни моддий ва маънавий бойликни ўзида уйғун мужассам эта олган одамгина аниқ ва мукаммал ҳис эта олади. Инсонни қорни тўқ, моддий ҳаёти бутун бўлиши мумкин, лекин ҳақиқий бахтли, бахтиёр бўлмаслиги мумкин. Ҳаётнинг ана шу делиммаси, доимо инсонларни ўзининг синовидан ўтказиб келган ва келмоқда.

Шунинг учун ҳам, инсон Ватандан ташқарида яхши яшаши, қорни тўқ, усти бутун, халқимиз тили билан айтганда “егани олдида, емагани ортида” бўлиши мумкин, лекин у ҳақиқий бахтли бўлмаслиги мумкин. Бахтни инсон ўзидан ўз Ватанидан қидириши, топиши мумкин ҳолос. Уни четдан қидириш, охир оқибатда афсуслик, маънан қоникмаслик йўлидир.

Инсон ёшлик даврида, унинг ўзига хос баланд-парвозли юқори кайфияти, шижоатга ундайдиган руҳий қувватлари мустаҳкам бўлади. Унинг Ватан меҳри билан уйғун бўлишига эришиш, шуни ҳис этиб яшаш, кишини Ватанга хизмат қилишга ундайди. Инсон Ватанда яшаб, ундан ташқарида бўлиши ҳам, ёки Ватанидан ташқарида бўлиб, ўзининг Ватанидан ҳеч қачон айри ҳолда ҳис этмаслиги ҳам мумкин. Гап, унинг қаерда яшаши тўғрисида эмас, энг муҳими Ватанга муносабати, Ватан учун нима қилаётганлиги ва ўз Ватанини, халқини севиши ҳамда ўзини, миллатини чуқур англаб етишида дадир.

II Боб. Бошланғич синфларнинг Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантириш технологияси.

2.1.Одобнома дарсларининг мазмуни ва бошланғич синф ўқучиларида миллий ўзликни англашнинг шакллантиришдаги ўрни.

Хаётда одам ким бўлишидан қатъий назар, у одамлар билан муомала-муносабатда бўлади. Улар ўзаро алоқа қилмай яшай олмайдилар. Бу фалсафий қонун. Одамларнинг феъл –атвори турлича. Улар ниҳоятда мураккабдирлар. Шунинг учун ҳам ҳаёт мураккаб.

Бироқ турмуш инсоннинг ҳатти- ҳаракатларини маълум чегарада, маълум меъёрда бўлишини тақозо қилади. Ана шу талабни, чегарани таъминловчи муносабатни одоб дейилади.

Инсоният тарихидаги бутун тажрибаларга суянган ҳолда яратилган урф-одатлар каби одоб қоидалари ҳам яратилган. Одоб қоидаларининг ҳаммаси бир киши томонидан битилмайди. Зотан, улар инсон ҳаётий тажрибасининг умумлашган бой маҳсулидир.Одоб – кишиларнинг ҳаёт ва турмушдаги ўзаро муомала – муносабатлари ва ҳатти- ҳаракатларига нисбатан белгилаб берилган муайян ахлоқий чегара ёки меъёр. Ана шу чегарадан чиқмай муомала- муносабатда бўлган, шу меъёрга риоя қилган одамни ҳақиқий инсон дейилади.

“Одоб” (арабча “адаб” сўзининг кўплиги)- хулқ- атвор, юриш- туриш маданиятининг ташқи ва ички жиҳатини ифодаладиган тушунча. У кишиларнинг ҳатти- ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила, меҳнат жамоаси ва турли маросимларда) намоён бўлади.Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши ва бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига оид қоидалар (масалан, шарму ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалиқ сингарилар)ни ўз ичига олади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади”.

Одоб ва ахлоқ қоидаларига тўла амал қилиш инсонларнинг ўзаро ҳурмат – эҳтиром билан тинч- тотув яшашларини таъминлайди. Одоб ва

ахлоқ қоидаларига кам эътибор бериладиган ҳар қандай оилада, жамиятда дилозорликлар, беандишаликлар, бебурдликлар ва бошқа шу каби инсоний фазилатларга доғ туширадиган кўнгилсизликлар юзага келади ва авж олади, одамлар орасидан ҳурмат, меҳр – оқибат кўтарилади, ҳаёт аста- секин издан чиқа боради.

Одобсизликлар туфайли катталар кичиклардан, ота- оналар фарзандлардан озор чекади. Яхшилик ўрнини ёмонлик, диёнат ўрнини хиёнат эгаллай бошлайди. Қайси мамлакатда, қандай жамиятда одоб ва ахлоқ қоидаларига яхши эътибор берилса, шу жойда ҳаёт фаровон, кишиларнинг руҳи тетик бўлади, ишлари бароридан келади.

Одоб қоидаларига ота- боболаримиз қаттиқ эътибор берганлар. Эшикни қаттиқ ёпиш, оёқ билан тепиб очиш, остонани босиб туриш, эшик кесакисига суянишни беодоблик ҳисоблаганлар. Бундай тарбияни кўрмаган ва бунга амал қилмаган одамни ўта маданиятсиз ҳисоблаганлар.

Кўчада, жамоат жойларида ёнидан ўтган одамга салом бериш, уйга кирганда “ассалому алайкум” дея салом бериб кириш шарт бўлган. Уйга йўқлаб келган кишини эшик олида узоқ турғизиб қўйиш ҳам одобсизлик саналади.

Ўтмишда оилада фарзанд тарбиясига, уларнинг одоби, ахлоқига катта эътибор берилган. Агар оилада ўғил туғилса уни жасур, жисман бақувват, илму одоблик бўлиб етишмоғига, бирон – бир касб эгаси бўлишига шароит яратилган. Одоб ва ахлоқнинг мукаммал бўлиши ҳақида қайғурилган.

Қиз болаларга ҳам илм ва ҳунар ўргатилган. Айниқса, уларнинг одоб ва ахлоқига биринчи даражали вазифа сифатида қаралган.

Одоб қоидаларини кишилар ҳаётига мажбуран олиб кирилган эмас, балки у ҳаёт тақозоси билан инсонларнинг ҳоҳиш – истаклари, ҳаётий талаб ва эҳтиёжлари билан вужудга келган. Бора- бора бу қоидалар асосида махсус китоблар чоп этила бошлади ва шу йўл билан у халқнинг маънавий бойлигига айланиб борди. Марказий Осиё халқларининг илк ёзма

асарларидан бири 12 минг мол терисига ёзилган “Авесто”да ҳам таълим-тарбия, ахлоқ ва одобга оид қимматли фикрлар берилган.

Ўзбек халқи Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан саналади. Унинг урф- одатлари, одоб- ахлоқ қоидалари ҳам ана шу кўхна тарих кучоғида таркиб топгандир.

Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича: “Ўзбекларнинг аجدодлари милоддан аввалги II – I минг йилликларда шу икки азим дарё ва унинг теварагида кўчиб юрган саклар, масагетлар ва тахорлар (хитой манбаларида – ючжи), қолаверса, суғдийлар, хоразмликлар шошликлар ва паркона (Фарғона)ликларнинг авлодларидир. Кейинчалик, милоднинг I мингинчи йили ва V – VI асрларда шу икки дарё оралиғида шимол (Етисув воҳаси) дан жуда кўп туркийзабон халқлар кўчиб келдилар ва бора- бора маҳаллий халқнинг таркибига сингиб кетдилар. Булар ўзбек халқининг маълум этник қатламини ташкил қиладилар. Қисқаси ўзбек халқи X аср охири XI аср бошида халқ сифатида таркиб топди”

Марказий Осиё халқлари хусусан ўзбеклар ислом динини қабул қилиши билан уларнинг мавжуд урф- одати, одоб ва ахлоқ қоидалари мусулмончилик талаб ва қоидалари асосида бойиди, ривожланди. Ислом олами учун муқаддас бўлган Қуръони карим суралари ва оятлари, пайғамбаримиз алайхиссаломнинг ҳадислари негизида вужудга келган ўзбекона одоб ва ахлоқ қонун- қоидалар бой меросга айланди.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши ва ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ўзининг қўлами ва аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеалардир. Бу жараёнлар жамиятимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилишларни бошлаб берди ва улар ўзбек халқининг бундан кейинги тақдирини белгилаб беришда муҳим роль ўйнайди.

Эндликда, барча соҳани мамлакатнинг миллий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда авлод- аجدодларимизнинг азалий

турмуш тарзи, анъаналари, урф- одатлари ҳамда тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу эса ўз- ўзидан маълумки, республиканинг миллий давлат сифатида ижтимоий- сиёсий, иқтисодий, маънавий – маданий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини, миллий истиқлол мафкурасини қарор топтриш ва уни ёш авлод онгига сингдириш заруриятини тақозо этади.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай тарбия ва таълим олишига боғлиқ. Ана шундай авлодгина мамлакат олида турган халқининг тарихий тақдирини белгилаб бера олади. Шунга кўра, ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 12- майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203- сонли қарори асосида 1- 4 синфлар учун узлуксиз таълим- тарбия жараёнига одобнома фани киритилди.

Одобнома - мустақил Ватанимизнинг соғлом авлодини маънавий тарбиялашнинг илдизи бўлган асосий фанлардан биридир.

Одобнома фани илмий, миллий ва умумбашарий қадриятлар мазмун- моҳиятини билишга, бой меросимизни ўрганиб, унга нисбатан ворислик ҳиссини уйғотишга, аجدодлармизнинг ибратли ўғит ва таълимотларига амал қилишга, ислом динидаги маънавий- ахлоқий тушунчаларнинг моҳиятини тўғри тушунишга ва Ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашига чорлайди.

Башарият тарихи, қолаверса, халқимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт тажрибаси инсон ҳам, жамият ҳам ғоя ва мафкурсиз яшай олмаслигини кўрсатди. Чунки одамнинг қалби, онги шундай яратилганки, улар табиат ва жамиятда пайдо бўладиган кўпдан- кўп муаммо ва масалаларга жавоб берадиган, инсонни доимо эзгу орзу- ум идлар билан яшашга ундайдиган ҳаётбахш ғоя ва мафкурага доимо эҳтиёж сезиб туради.

Табиатда, жамиятда бўшлиқ бўлмагани каби, инсон қалби ва онгида ҳам бўшлиқ бўлмайди.

Агар бундай бўшлиққа йўл қўйилса, одамлар ўз йўлини йўқотиб, яхшилик ўрнига ёмонлик, эзгулик ўрнига ёвузлик ортидан эргашиб кетиши мумкин. Шундай ҳол юз бермаслиги учун истиқлол йилларида миллий қадриятларимиз тикланди, маънавиятга, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришга, ёш авлодни маърифий асосда тарбиялашга эътибор кучайди. Шу боисдан

“Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш таълим тизимига Президентимиз И.А. Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги фармойишига асосан татбиқ этила бошланди. Президент И.А.Каримов асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи, Юртбошимизнинг миллий ғоя ва мафкура, маънавиятга оид асарлари, аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умубашарий қадриятлар одобнома фанини ўқитишда асосий манба, методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Одоб таълим- тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади”.

Одобнома фанининг мақсади:

- миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари дастури доирасида ўқувчилар қалбида мустақиллик ғоясига садоқат ҳиссини тарбиялаш;
- баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва маданиятини ўргатиш;
- ўзбек халқининг миллий урф- одат, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш;
- ўсиб келаётган ёшавлод онгида миллий ўзликни англаш;

Одобнома фанини ўқитишга қўйиладиган асосий талаблар:

- инсоният тарихий тараққиёти жараёнида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод- аждодларимиздан қолган одоб- ахлоқ ҳақидаги билимлардан бохабар қилиш;

- Марказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларининг асарларидаги ҳикмат, ўғит ва насиҳатларини ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш;
- табиатга тўғри муносабатнинг моҳияти, табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлиги, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимга эга бўлиш;
- ота- она, Ватан олдидаги бурчни англаш ва унга содиқлик нима эканлигини билиш;
- ўз- ўзини англаш шарт- шароитларини, инсон қадрини англаш ва миллий, умуминсоний маданиятни, она тилини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тушуниб етиш;
- юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англатиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини ёмондан ажрата олиш билимига эга бўлиш;
- ўқувчиларни билим олишбилан бирга юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;
- одобнома дарсларида маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориш муҳимдир.

Ҳозирги кунда ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарли ва унумли фойдалана олиш вазифаси бошланғич таълим тизимида ўқитиладиган фанлар қаторида “Одобнома” фани олдида ҳам қўйилгандир.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламли қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказа беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

2.2. Бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ўзликни англашни шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболни аниқ тасаввур этишдан бошланади.

И.А.Каримов

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши унинг ўзини англашидан бошланади. У ота-она, оила ва ташқи муҳит билан бўладиган муносабатлар орқали ўзининг кимлигини англай бошлайди. Шунинг учун ҳам миллий ўзликни англаш инсонда ана шу муносабатларнинг таъсири остида шаклланади. Миллий ўзликнинг асосий манбалари – кундалик соддагина урф-одат, анъана ва қадриятлардан бошланиб, маънавий мерос, тарихий хотира ва миллий тарақиётда тўпланган тажрибаларгача бўлган омиллар билан боғлиқдир. Миллий ғоя ота-она, оила, миллат вакиллариининг ўзаро муносабатлари, ҳатти-харакатлари, менталитети таъсирида шаклланади. Шу маънода ҳам миллий ғоя манбалари мустақкам бўлгандагина, у турли муносабатлар, миллий удумлар, урф-одатлар, анъаналарга амал қилиш орқали инсоннинг онги билан ривожланиб боради ва улғайган сари унинг ҳам умумий дунёқараши, онгининг ажралмас қисмига айланиб боради.

Миллий ғоя тизимида миллий онг, миллий ўзликни англаш ва миллий менталитет етакчи ўрин эгаллайди. Миллий онг бўлмаса, у ривожланмаса, миллат ўзлигини англамаса, у ким, қаердан келиб чиқан, илдизлари нималар билан боғлиқлиги каби туйғуларга эга бўлмаса ва нималарга қодирлигини билишга интилмаса, миллий ғоя ҳам саёзлашиб бораверади. Миллат ўзининг турмуш ва ҳаёт кечириш жараёнида ўз миллатига хос бўлган удумлар, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ўзлаштиришга интилса, унга амал қилсагина миллий ғоялар уйғониб, ривожланиб, такомиллашиб боради.

Миллий онг ва миллий ўзликни англаш миллий ғояга туртки беради, уни шакллантиради ва миллий тарақиётга руҳият бағишлаб «уни ҳаракатга» келтиради. Шунинг билан бирга миллий онг ва ўзликни англашнинг ривожланиши миллий ғоя имкониятларини кенгайтириб туради.

Миллий ғоянинг таъсир доираси ниҳоятда кенг бўлиб, у миллатнинг ўзига хослигини сақлаб туриш, миллат манфаатлари йўлида миллат вакиллари бирлаштириш, уюштириш ва тарақиёт йўналишларини белгилаш кабиларга ўзининг таъсирини ўтказиб туради.

Миллий ғоя миллий ўзига хосликни сақлаб туриш ва миллий манфаатларни амалга ошириш, миллий истикболини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у, миллат вакили бўлган ҳар бир шахснинг дунёқараши, кундалик фаолиятида ўз ифодасини топади. Миллат вакилларининг аксарият кўпчилик қисмининг миллий ғояси мустаҳкам бўлган инсонлар ташкил қилган шароитдагина миллий манфаатлар учун умуммиллий ҳаракат вужудга келади. Худди мана шу умуммиллий ҳаракатни вужудга келтириш – миллий ғоянинг муҳим вазифаларидан бири; иккинчидан, унинг миллат вакилларида ватанпарварлик, она заминнинг муқаддаслиги туйғусини уйғотиш, уни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш кераклигини тушуниб етишга таъсирини ўтказиш; миллий ғоя ҳар бир миллат вакилида унинг авлод-аждодлари ана шу заминда дунёга келган, унинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлган, ундан илҳом, завқ-шавқ олган ва кўним топганлигидан ҳабар бериб туради. Бу, ўз навбатида ўз она заминига меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлайди; учинчидан миллий ғоя тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва унинг такрорланмас имкониятларидан манба сифатида туртки (заряд), илҳом олиб туради. Биз умуминсоний қадриятларнинг устворлиги ва умумбашариятни бирлаштирувчанлиги ҳақида қанча кўп гапирмайлик, барибир унинг илдизлари, заминлари миллатнинг тарихий хотираси, мероси ва асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари билан боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз лозим бўлади. Худди мана шу жараёнда миллий ғоянинг ўрни, салоҳияти, имконияти ва юксаклиги намоён

бўлиб туради; тўртинчидан, миллий ғоя миллат вакилларида миллат тақдири учун маъсуллик туйғуларини ҳам уйғотиб туради. Миллат реал ҳаётда уни ташкил этувчи шахслардан иборат экан, ҳар бир миллат вакили ўзга миллатлар даврасида ўз миллати вакилининг эришган ютуғидан хурсанд бўлади, шу миллат вакили бўлганинингдан фахрланади. Аксинча, ўз миллатдошининг бошига тушган оғир кунлар тушса уни худди ўзининг энг яқинларининг бошига тушгандай қабул қиласан.

Агар миллат вакиллари ҳалол йўл билан бой, бадавлат бўлганини кўрсанг, мамлакатининг ўзга мамлакатларга нисбатан тез ривожланаётганини, катта мувоффақиятларни қўлга киритаётганлигини кўрса руҳи кўтарилади, келажакка ишончи ортади ёки аксинча, муаммоларнинг тўпланиб бораётганлигини кўрса руҳан эзилади, қайғуради ва уларни ечишда ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бундай туйғуларнинг замини ва илдизи яна миллий ғояга бориб тақалади. Фақат миллий ғоя ва инсонийликнинг барча ижобий қирраларини ўзида мужассамлаштирган шахсда ана шундай туйғулар бўлиши мумкин; бешинчидан, миллий ғоя фақат тор доирадаги туйғуларни (яъни миллий манфаат доирасидаги) шакллантирибгина қолмасдан, миллат билан ёнма-ён яшайдиган ўз миллат ва элат вакиллариининг ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларининг ҳисобга олиш, уларни ўз атрофига бирлаштириш, диний ва инсоний бағрикенглик каби фазилатларнинг шаклланишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Мамлакат ёшларида Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик каби туйғуларни шакллантириш ҳам миллий ўзликни англашнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик туйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодларим ким, қайси миллатга мансубман, менинг она заминим қаерда - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан

излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб бера олмайди. Чунки, инсон миллийлик руҳиятидан туғилишидан бошлаб, эхтимол она бағрида ҳали у дунёга келмасдан олдин баҳраманд бўлса ажаб эмас. Зеро, янги дунёга келган гўдакни ўзга миллат вакили олиб тарбияласа ҳам, у балоғат ёшига етганида ўз миллий негизларига талпинади, ҳеч бўлмаганда ўз миллати вакиллари билан яқинроқ бўлишга мойил бўлади. Бу ҳаёт тажрибасидан ўтган ҳақиқатдир. Шу тариқа улуғаяётган миллат вакиллариغا Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик каби фазилатларини миллий ғоя сингдириб боради.

Қадрият тушунчаси – жуда кенг тушунча. Унинг бир қисми – маънавий қадриятлардир. Миллий маънавий қадриятлар – «миллийлик», «маънавият» ва «қадрият» тушунчалари кесишган нуқтада жамланган ижтимоий ҳодисаларни ўз ичига олади.

«Миллий маънавий қадриятлар» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Муайян миллат, шу миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар миллий маънавий қадриятлардир.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир. Масалан, қирғиз халқи «Манас» достони билан, мисрликлар қадимий пирамидалар, французлар Париждаги Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду-Бухоро ва Хива билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар

халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Миллий маънавий қадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Буларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади.

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замона қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий маънавий мерос, қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илму-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт асарлари;
- ахлоқий фазилатлар;
- диний қадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида тарихий мерос ва тарихий хотира муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катта аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ўзбек халқи жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатлар қаторидан фахрли ўринни эгаллайди. Маданий ёдгорликлар,

меъморчилик санъати намуналари, қадимий қўлёзмалар – миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун энг қадрли ва муқаддас бўлган бойликлардир. Буларни авайлаб-асраш, келажак авлодларга етказиш маънавият соҳасидаги энг долзарб вазифадир.

Илм-фан ва унинг ютуқлари – миллий ёки ҳудудий чегарадан чиқадиган, бутун жаҳон эътироф этадиган, умуминсониятга хизмат қиладиган бойликдир. Бироқ олимнинг ижоди ва унинг илмий кашфиёти аввало унинг миллати ва Ватанини дунёга танитади, миллий қадриятни жами башариятнинг ютуғига айлантиради.

Миллийлик, халқнинг руҳияти ва маънавияти, айниқса, санъат ва адабиёт ривожига ёрқин ифодаланади. Ўзгулик ва покликни, инсонийлик ва ҳаққонийликни қуйлаган буюк асарлар, қайси жанрда ёки қайси тилда яратилганидан қатъий назар, жаҳонга танилади, пировардида яна шу миллатнинг халқаро нуфузини юксалтиради.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида ахлоқий сифатлар, диний қадриятлар муносиб ўрин эгаллайди ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шарти, омили сифатида намоён бўлади. Ахлоқий ва диний қадриятлар аксари ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишида, ёш авлод тарбиясида бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Шуларни ҳисобга олиб, Президент Ислом Каримов «Туркистон-Пресс» агентлиги мухбирининг саволларига жавоб бериб, маданий, маънавий, ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказишда диннинг беқиёс хизмати борлигини уқтириб, «Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз»¹, деб таъкидлайди.

Ҳар бир халқ, миллат яратган маънавий қадриятлар, унинг дунёга қараши ва ҳаётга муносабати, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, айниқса, урф-одат ва маросимларда тўлақонли намоён бўлади. Маросимчилик бир

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999, 349-355 б.

катор ижтимоий функцияларни бажаради, миллий ўзликни сақлашда, ёшларни тарбиялашда, муайян ғояларни руҳиятга сингдиришда катта аҳамият касб этади.

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари ҳам маънавий қадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги канчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умумэътироф этилгандир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболини таъминлаш омилидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятларнинг ҳар бир таркибий қисми халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Боб юзасидан хулоса

Инсоният ақл заковати юксалиб бораётган, унинг олдида ечиш мураккаб булган глобал муаммолар кўлами кенгайиб бораётган ва дунёда барча мамлакатларда халқлар биргалашиб яшашлари авж олиб бораётган бугунги кунда миллий ғоя тор манфаатлар эмас, балки мамлакатда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини ифода этиши ва уларда ягона Ватан туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Албатта, Ватан туйғусини шакллантириш бу ҳар бир миллатга хос булган хусусиятларнинг барбод бўлишига эмас, балки умумхалқ руҳиятининг шаклланишига олиб келади. Ягона Ватан руҳияти на фақат мамлакат номи билан аталувчи миллат вакилида, худди шунингдек, унда яшаётган ўзга миллат ва элат вакилларида ҳам Ватанпарварлик, унга эгалик қилиш, унинг истиқболи олдида маъсуллик каби ҳиссиётининг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя бугунги кунда бир миллат доирасидан умумхалқ доирасигача бўлган манфаатларни уйғунлаштиришга асос бўлмоқда.

Миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва уларни кейинги авлодга етказишда миллий ғоя маънавий-руҳий манба ҳисобланади. У ана шу маънавий-руҳий салоҳиятдаги миллийликни «асраш», уларга куч-қувват бағишлаб туриш вазифасини амалга оширади. Шунинг билан бир қаторда миллат вакиллари миллий-маънавий бойликлар билан озуқлантиради, уларда ўз меросини асраш ва уни кейинги авлодга етказиш руҳиятини ҳам шакллантиради.

Бу жараёнда миллий ғоя бир томондан миллий-маънавий бойликларни асраш омили бўлса, иккинчи томондан миллат авлодларини ўзаро боғлаб туриш вазифасини ҳам бажаради. Ундаги мавжуд миллийлик омили авлодларни ўзаро маънавий-руҳий жиҳатдан боғлаб туради ва шу тариқа миллий мерос ва тарихий хотирага умрбоқийликнинг бахш этилишида миллий ғоя асосий омилдир.

Миллий ғоянинг миллий мерос ва тарихий хотиранинг асоси бўлиши на фақат миллий ўзига хосликни шунингдек миллат вакилида юксак ирода,

эътиқод каби фазилатлар шаклланишида ҳам манба ролини бажаради. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон... Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уруш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди».⁴

⁴ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 137-б.

III Боб. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг технологияларининг самарадорлиги.

3.1. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси.

Биз битирув- малакавий ишимизни ёзиш жараёнида танлаган мавзу бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги мактабда тажриба – синов ишларини олиб бордик. Тажриба- синов жараёнида мактабда фаолият олиб бораётган бошланғич синф ўқитувчиларини ва “Одобнома” фанидан дарс бериб келаётган ўқитувчиларни фаолият жараёнига жалб қилдик.

Уларни “Одобнома” фанини ўқитишда “Миллий ўзликни англаш” тушунчасини болалар онгига сингдиришда қандай билимга эга эканликларини қуйидаги жадвал асосида ўргандик ва таҳлил қилдик.

Юқорида келтирилган бир қатор сабабларнинг келиб чиқиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида мактабларнинг педагогик жамоалари ўртасида анкета сўровномаларини ўтказдик.

Анкета сўровнома саволлари қуйидагича.

1.Миллий ўзликни англаш қандай инсоний фазилатларни қамраб олади?

2.”Одобнома” дарсликларида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришга оид қандай асарлар киритилган?

3.Бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ўзликни англашни тарбиялашда миллий қадриятларнинг роли ҳақида қанждай фикрдасиз?

4.Бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ўзликни англашни шакллантиришга сабаб бўлувчи асосий воситаларни айтинг?

Берилган саволларга жавобларни таҳлил қилиб чиққанимиздан сўнг аниқловчи ва шакллантирувчи тажрибалар асосида шу мактабларда дарс бериб келаётган ўқитувчилар билан ўзимиз танлаган “Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакл ва усуллари ”

мавзусида тажриба ишларини олиб бордик. Тажриба бошида бўлажак ўқитувчиларни икки гуруҳга ажратиб олдик.

Биринчи гуруҳ – назорат гуруҳи.

Иккинчи гуруҳ – тажриба гуруҳи.

Иккала гуруҳ ўқитувчиларига ҳам бир хил матндаги саволномалар тарқатилди. Тажриба –синов ишларини олиб бориш жараёнида тажриба гуруҳидаги ўқитувчилар билан биз алоҳида ишлар, тушунтириш, суҳбат, семинарлар, конференциялар ташкил қилдик. Тажриба –синов якунида назорат ва тажриба гуруҳи ўқитувчиларининг берилган саволларга жавобларини таҳлил қилиб чиқдик.

№	Мезонлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Ўқитувчилар сони	юқори	ўрта	паст	Ўқитувчилар сони	юқори	ўрта	паст
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Ўқитувчиларнинг миллий ўзликни англаш бўйича эгаллаган билимларни интеграциялашга ва уларни эгаллашга эҳтиёжларини борлиги.	50	30	15	5	50	10	25	15
2.	Ўқитувчиларнинг миллий истиқлол ғояси, миллий ўзликни англаш, маънавият, инсоний фазилатлар борасидаги билимлар юзасидан маълумотларга эгаликлари	50	35	10	5	50	15	10	25
3.	Ўқитувчиларда миллий истиқлол ғояси, миллий	50	40	7	3	50	15	20	15

	ўзликни англаш борасида кўникма, малакаларнинг шаклланганлиги								
4.	Ўқитувчиларда миллий-маънавий мерос, миллий ўзликни англашда миллий кадриятларга нисбатан ижодий ёндашувнинг мавжудлиги	50	35	10	5	50	10	15	25

Олиб борилган математик –статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тажриба –синов ўтказилган тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳлари кўрсаткичидан анча юқори.

Бунинг асосий сабабларини қуйидагиларда деб билдик:

- Ўқитувчиларда педагогика, тарих, миллий истиқлол ғояси, мантиқ ва психология фанлари бўйича билимларнинг етишмаслиги.
- Фаолият жараёнида ўқитувчи шахси эгаллаши зарур бўлган педагогика, тарих, миллий истиқлол ғояси, мантиқ ва психология фанлари бўйича билимларни эгаллашга ва ўз устида изланишга етарли эътибор берилмаганлиги;

I ҚИСМ (МАЗМУНИ)

КУРС/ ГУРУХ:		ФАН: <i>Одобнома</i>		СОАТИ: 2
№	Бўлим ва бўлимчалар номи	Бўлим ва бўлимчаларнинг қисқача мазмуни	Глоссарий: асосий тушунча, атамалар ва уларнинг таърифи	Интеграция ва қўлланиш соҳалари
1.	I БЎЛИМ. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришда одобнома фанининг мақсад ва вазифалари.	Башарият тарихи, қолаверса, халқимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт тажрибаси инсон ҳам, жамият ҳам ғоя ва мафкурсаиз яшай олмаслигини кўрсатди. Чунки одамнинг қалби, онги шундай яратилганки, улар табиат ва жамиятда пайдо бўладиган кўпдан- кўп муаммо ва масалаларга жавоб берадиган, инсонни доимо эзгу орзу- ум идлар билан яшашга ундайдиган ҳаётбахш ғоя ва мафкурага доимо эҳтиёж сезиб туради. Табиатда, жамиятда бўшлиқ бўлмагани каби, инсон қалби ва онгида ҳам бўшлиқ бўлмайди. Агар бундай бўшлиққа йўл қўйилса, одамлар ўз йўлини йўқотиб, яхшилик ўрнига ёмонлик, эзгулик ўрнига ёвузлик ортидан эргашиб кетиши мумкин. <i>Шундай ҳол юз бермаслиги учун истиқлол</i>	<i>яхшилик ёмонлик, эзгулик ёвузлик</i>	<i>Фалсафа ва тарих фанлари билан алоқада.</i>

		йилларида миллий қадриятларимиз тикланди, маънавиятга, миллий истиқлол ҳояси ва мафкурасини шакллантиришга, ёш авлодни маърифий асосда тарбиялашга эътибор қучайди. Шу боисдан “Миллий истиқлол ҳояси ва мафкурасини шакллантириш таълим тизимида Президентимиз И.А. Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги фармойишига асосан татбиқ этила бошланди. Президент И.А.каримов асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол ҳояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи, Юртбошимизнинг миллий ҳоя ва мафкура, маънавиятга оид асарлари, аجدодлармизнинг бой мероси, миллий ва умубашарий қадриятлар одобнома фанини ўқитишда асосий манба, методологик асос бўлиб хизмат қилади. Одоб таълим- тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади”. Одобнома фанининг мақсади: - миллий истиқлол ҳояси асосий тушунча ва тамойиллари дастури доирасида ўқувчилар қалбида мустақиллик ҳоясига садоқат ҳиссини тарбиялаш; - баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва маданиятини ўргатиш;		
--	--	--	--	--

		- ўзбек халқининг миллий урф- одат, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш - Одобнома фанини ўқитишга қўйиладиган асосий талаблар: - инсоният тарихий тараққиёти жараёнида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод- аجدодларимиздан қолган одоб- ахлоқ ҳақидаги билимлардан бохабар қилиш; - Марказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларининг асарларидаги ҳикмат, ўғит ва насиҳатларини ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш; - табиатга тўғри муносабатнинг моҳияти, табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлиги, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимга эга бўлиш; - ота- она, Ватан олдидаги бурчни англаш ва унга содиқлик нима эканлигини билиш; - ўз- ўзини англаш шарт- шароитларини, инсон қадрини		
--	--	---	--	--

		<i>англаш ва миллий, умуминсоний маданиятни, она тилини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тушуниб етиш;</i> - <i>юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англатиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини ёмондан ажрата олиш билимига эга бўлиш;</i> - <i>ўқувчиларни билим олишбилан бирга юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;</i> - <i>одобнома дарсларида маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориш муҳимдир.</i>		
--	--	---	--	--

II ҚИСМ (ЎҚУВ ЖАРАЁНИ)

КУРС/ ГУРУҲ:	ФАН: Одобнома			СОАТИ: 2
Тьютор учун кўрсатмалар	Тингловчи учун топшириқ турлари ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар	Таълим шакли (мустақил, контакт сессиялар, on-line консультациялар , форумлар)	Ҳар бир топшириқ учун вақт тақсимооти	Ресурслар (моддий, ахборий, ижтимоий)
1-топшириқнинг бажарилиши: Одобнома фанининг асосий манбалари: -халқ оғзаки ижоди қирралари; - миллий ва умуминсоний қадриятлар; - халқ педагогикаси; -диний- маънавий тарбия; - мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарлари; - одоб дурдоналари (панднома ва насихатномалар);	1-топшириқ.. Одобнома фанининг асосий манбаларини кўрсатиб ўтинг ва уларга таъриф беринг : -халқ оғзаки ижоди қирралари; - миллий ва умуминсоний қадриятлар; - халқ педагогикаси; -диний- маънавий тарбия; - мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарлари; - одоб дурдоналари (панднома ва насихатномалар); - ўзбек оила педагогикаси; - Президент И.А.Каримов асарлари;	мустақил	10 мин.	

- ўзбек оила педагогикаси; - Президент И.А.Каримов асарлари; - миллий истиқлол зояси ва мафкурасига оид асарлар.	- миллий истиқлол зояси ва мафкурасига оид асарлар.			
2-топшириқнинг бажарилиши: Одобнома фанининг мақсади: - миллий истиқлол зояси асосий тушунча ва тамойиллари дастури доирасида ўқувчилар қалбида мустақиллик зоясига садоқат ҳиссини тарбиялаш; - баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва маданиятини ўргатиш; - ўзбек халқининг миллий урф- одат, анъана ва қадриятларини	2-топшириқ. Одобнома фанининг асосий мақсади нималардан ибора? - миллий истиқлол зояси асосий тушунча ва тамойиллари дастури доирасида ўқувчилар қалбида мустақиллик зоясига садоқат ҳиссини тарбиялаш; - баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва маданиятини ўргатиш; - ўзбек халқининг миллий урф- одат, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш	мустақил	10 мин.	

амалда қўллаш малакаларини шакллантириш				
3-топишириқнинг бажарилиши: Одобнома фанини ўқитишга қўйиладиган асосий талаблар: - инсоният тарихий тараққиёти жараёнида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод- аждодларимиздан қолган одоб- ахлоқ ҳақидаги билимлардан бохабар қилиш; - Марказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварлар ининг асарларидаги ҳикмат, ўғит ва насихатларини ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш;	3-топишириқ. Одобнома фанини ўқитишга қандай талаблар қўйилади? Одобнома фанини ўқитишга қўйиладиган асосий талаблар: - инсоният тарихий тараққиёти жараёнида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод- аждодларимиздан қолган одоб- ахлоқ ҳақидаги билимлардан бохабар қилиш; - Марказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларининг асарларидаги ҳикмат, ўғит ва насихатларини ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш; - табиатга тўғри муносабатнинг моҳияти, табиатни муҳофаза	мустақил	10 мин.	

- табиатга тўғри муносабатнинг моҳияти, табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлиги, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимга эга бўлиш; - ота- она, Ватан олдидаги бурчни англаш ва унга содиқлик нима эканлигини билиш; - ўз- ўзини англаш шарт-шароитларини, инсон қадрини англаш ва миллий, умуминсоний маданиятни, она тилини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий	- қилиш инсоннинг бурчи эканлиги, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимга эга бўлиш; - ота- она, Ватан олдидаги бурчни англаш ва унга содиқлик нима эканлигини билиш; - ўз- ўзини англаш шарт-шароитларини, инсон қадрини англаш ва миллий, умуминсоний маданиятни, она тилини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тушуниб етиш; - юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англашиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини ёмондан ажрата олиш билимига эга бўлиш; - ўқувчиларни билим			
--	--	--	--	--

<i>ривожланишини тушуниб етиш;</i> - <i>юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англатиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини ёмондан ажрата олиш билимига эга бўлиш;</i> - <i>ўқувчиларни билим олишбилан бирга юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;</i> - <i>одобнома дарсларида маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориш муҳимдир.</i>	<i>олишбилан бирга юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;</i> - <i>одобнома дарсларида маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориш.</i>			
---	--	--	--	--

4-топшириқнинг бажарилиши: “Миллий истиқлол гояси ва мафкурасини шакллантириш таълим тизимига Президентимиз И.А. Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги фармойишига асосан татбиқ этила бошланди. Президент И.А.каримов асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи, Юртбошимизнинг миллий гоя ва мафкура, маънавиятга оид асарлари, аждодлармизнинг бой мероси, миллий ва умубашарий қадриятлар одобнома фанини ўқитишда асосий манба, методологик асос бўлиб хизмат қилади.	4-топшириқ. “Миллий истиқлол гояси ва мафкурасини шакллантириш таълим тизимига қачондан бошлаб татбиқ этила бошланди? Унинг “Одобнома” фанини ўқитишдаги устувор йўналишлари нималардан иборат?	<i>мустақил</i>	<i>10 мин.</i>	
		<i>мустақил</i>	<i>10 мин.</i>	

3.2. Одобнома дарсларида миллий ўзликни англашнинг шакллантиришга хизмат қиладиган технологияларнинг самарадорлик даражаси.

III- ҚИСМ (НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ)



КУРС/ ГУРУҲ:		ФАН: Она тили		СОАТИ: 2	
НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ					
ТҶҲҲТӨР ТӨМӨНІДАН БАҲӨЛАНІШІ			ТІНГЛОВЧІНІНГ ЎЗ–ЎЗІНІ БАҲӨЛАШІ		
Баҳолаш мезонлари		Баҳолаш воситалари		Ўз–ўзини баҳолаш мезонлари	Ўз–ўзини баҳолаш воситалари
Тест топшириқлари жавоблари: 1– Д 6–С 2– А 7–В 3– С 8–С 4– Д 5– С 6 - А		Тест топшириқлари: 1. Одобнома фанининг асосий манбаларига қайси манбалар киради? А)Халқ оғзаки ижоди жанрлари. В)миллий ва умуминсоний қадриятлар. С)диний ва маънавий тарбия. Д) халқ оғзаки ижоди қирралари; - миллий ва умуминсоний қадриятлар; - халқ педагогикаси; -диний- маънавий тарбия; - мутафаккир ва			

	<i>маърифатпарварларнинг асарлари;</i> <i>- одоб дурдоналари (панднома ва насихатномалар);</i> 2. “Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш таълим тизимига қачондан бошлаб татбиқ этила бошланди? А) Президентимиз И.А. Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги фармойишига асосан В) Президентимиз И.А. Каримовнинг 2004 йил 22 февралдаги фармойишига асосан С) Президентимиз И.А. Каримовнинг 2006 йил 5 майдаги фармойишига асосан Д) Президентимиз И.А. Каримовнинг 2007 йил 2 декабрдаги фармойишига асосан 3. “Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғлигини эмас, балки, шарқона ахлоқ- одоб ва		
--	--	--	--



	умубашарий ғоялар рухида камол топган инсонни тушунамиз”, - деган фикрлар кимнинг қаламига мансуб? А) А.Н.Фаробий В)А.А.Ибн Сино С) И.А.Каримов Д) А.Навоий 4. Қайси қаторда қуйидаги мақолнинг давоми берилган? «Ватанинг тинч - А) – қўшнинг тинч. В) – уйинг тинч. С) – фарзандинг тинч. Д) - сен тинч. 5. “Қутадғу билиг”(бахт саодатга элтувчи билим) асарининг муаллифи ким? А) А.Навоий. В) А.Авлоний. С) Юсуф Хос Хожиб Д)А. Дониш 6.Ахлоқ нима?		
--	--	--	--

	<i>А)ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш- туриши, тартиб қоидаларининг йигиндисидир.</i> <i>В)Одобилик белгиси ҳисобланади.</i> <i>С) Интизомлилик белгиси.</i> <i>Д)Инсонларни тўғри ҳаётга йўлловчи усул</i>		
--	--	--	--

Tajribadan oldin nazorat guruhining nazorat ko'rsatkichlari.



Tajribadan keyin tajriba guruhining nazorat ko'rsatkichlari.



УМУМИЙ ХУЛОСА

Педагогик фаолият таълим тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтирилган ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, кўргазма куруллари тайёрлаш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш, сифнда интизом учун курашиш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун ғайрат, чидам сабр – тоқат, умуман кучли ирода керакдир.

Ўқитувчидаги эътиқод, дунёқараш, бурч ҳисси педагогик ишидаги муваффақиятларнинг гаровидир. Агар ўқитувчи эҳтирос ва қизиқиш зўр бўлса, у ўзини кучли ҳис қилади, қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этади. Ўқитувчи фаолиятида энг муҳим хусусият мақсадга интилиш йўлида тинмай ҳаракат қилишдир. Бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳар бир яхши, виждонли ўқитувчи ўзининг олдида фуқарони тарбиялашни катта мақсад қилиб қўяди. Бизнинг ажойиб ёш авлодларимиз дунёга келтирган ижтимоий – тарбиявий ишимизнинг чинакам оламшумул муваффақиятининг сири ана шунда».

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлар маънавий қадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, миллий ўзликни англашни тарбиялаш зарурати ҳам умумэътироф этилгандир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболини таъминлаш омилидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ўзликни англашнинг ҳар бир таркибий қисми ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ўзликни англаш, халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Битирув- малакавий ишимизнинг якунида бўлажак ўқитувчиларга куйидагиларни тавсия қиламиз.

- “Одобнома” дарсларида ўқувчилар онгига миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчаларини сингдиришга оид асарларни танлаш;
- бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий қадриятларда ўз ифодасини топган ва ўқувчилар ёшига мос бўлган миллий ўзликни ўзида акс эттирувчи халқ педагогикаси материалларидан унумли фойдаланиш;
- Ватан равнақиға, унинг гуллаб-яшнаши, озод ва обод бўлишиға, Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси маданий меросимизда миллий ўзликни ўзида акс эттирувчи турли мавзулардаги асарларни танлаш ва таълим-тарбия жараёниға татбиқ этиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва Тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 31-40, 125-135, 149-162 б.
2. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 84-102 б.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 489-508 б.
4. Каримов И.А. “Эғали юрт эркини бермас”. Т.9. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 70-98 б.
5. Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 220-224 б.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик Тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
7. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Халқ сўзи, 2004 йил 2 июн
9. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. -Т.: “Шарқ”, 1994.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
11. О.То‘раева, М.Турупова. Одобнома. ”О‘қитувчи”, -Т.: 1996.
12. Т.Қурбонов. Одобнома. “О‘қитувчи”, -Т.: 1995.
13. О.Хасанбоева, А.Не‘матов. Одобнома о‘қитиш методikasi.”Билим”, -Т.: 2003.
14. Р.Мавлонова, Д.Абдурахимова. Педагогик маҳорат.”Фан ва технологиялар”.-Т.:2009.
15. М.Очилов. Муаллим қалб ме‘мори.”О‘қитувчи”, -Т.:2001

